



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 96 (8836). • 13 май, 1986 йил • СЕШАНБА • Баҳоси 3 тийин

Сувчилар масъулияти

БУ ЙИЛГИ иқлим шароити деҳқонларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклатмоқда. Сувнинг аввалги йиллардаги қараганда бирмунча тақчил бўлиши агротехника тадбирларининг ишининг кўзини билиб, моҳирона амалга оширишни талаб этмоқда. Илгор райони, хўжаликлар ҳудуди шундай қилмоқдалар. Ўза парвариши авж олдириб юборилган айни кунларда улар сувдан тежамли, унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу ишни мавжуд сув заъссларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этмоқдалар. Пахтадан мўл, сифатли, эртаги ҳосил етиштириш учун бошқа агротехника тадбирларини ҳам сифатли бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Лекция бу йилги шароитда сувдан фойдаланишда қатъ-

ий тартиб ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Партия, совет, хўжалик органлари, агросаноат комплекси ходимларининг шу кунлардаги муҳим вазифаларидан бири — сув таъминотини яхшилаш имкониятини берадиган объектлар қурилишини тезроқ тугалашдан иборатдир. Ана шу мақсадга мавжуд моддий-техника ва меҳнат ресурсларини қўшимча сув манбаларини қидириб топиш ва улардан самарали фойдаланишга сафарбар этмоқ зарур.

Култивацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш дала-

вацияда қатнашаётган механизаторларнинг масъулиятини ошириш гоёт муҳим аҳамиятга эгадир. Сув интизомини — ҳамма учун баббаравар. Бу интизомнинг бузилишига асло йўл қўймайлик. Маълумки, ҳар бир район, хўжаликнинг тупроқ, ер шароити имкониятлари ҳисобга олинган, сувни тақсимлашда лимит белгиланган. Далада сув ана шу лимит бўйича қўйилиши шарт. Унинг бузилишига йўл қўймаслик учун хўжалик раҳбарлари қатъий чоралар қўйиш керак.

Суворни ишларига энг тажрибали, малакали деҳқонларни жалб этиш — сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминлайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжаликда бу масалага алоҳида эътибор бериш зарур.

Суворини кечаю-кундуз ташкил этиш, сувчилар сонини ўтган йиллардаги қараганда анча қўлайтириш мақсадга мувофиқдир. Коллектор, зовур, оқава сувларининг ҳар бир литри ҳисобга бўлинган, ҳосилга хизмат қилсин. Шунинг учун ҳам жойларда электр қуввати билан ишлайдиган насос станциялари қурилишини жадаллаштириш, илгари қавлаб қўйилган қудуқларни ускуналаб, фойдаланишга тўсқинчилик тезроқ тугалаш зарур. Район агросаноат бирлашмалари раҳбарлари, мутахассислар, мутасадди ташкилотлар бу ишларнинг боришини алоҳида назорат қилиб турсинлар.

Ўза парваришида долзарб, ҳал қилувчи кунлар бошланди. Ҳамма ерда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, бирон литр сувнинг ҳам исроф бўлишига йўл қўймайлик. Ҳар туп ўза қониб сув ичсин. Сувчилар, сув хўжалиги ходимлари ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдирайлик!

- Ҳамма ерда сувдан тежамли фойдаланайлик.
- Суворинида агротехника қоидаларига амал қилайлик.
- Сув тақсимоли устидан назорат ўрнатинг!

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

ТОШКЕНТ ЗАВОДЛАРИ— РЕСПУБЛИКА ИРРИГАТОРЛАРИГА

Яқин кунларда минглаб янги қудуқлар экинзорларга сув бериб, Ўзбекистон далаларида қургўқчилик оқибатларини юмшатиши керак. Сув кўтаридиган қўшимча минглаб қўрилмалар — ботира насослар ишга туширилади. Шу техниканинг ҳаммаси бекуму кўст ишлашини таъминлаш осон гап эмас, бунинг учун пайдан ташқари кўп эътиёт қилиш керак бўлади.

Тошкентдаги Ирик заводлар шу қисмларни деҳқонларга қардошларча ердан сифатда ўз планларидан ташқари тезда исаб беришга киришди.

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ»

Бутун коллектив қишлоқ учун маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашади. Ботира насос икки хил деталларнинг чизмалари келтирилди. «СредазВНИИГДрошмаш» институтининг конструкторлари яна икки хил деталь хужжатларини завод технологиясига мослаштирилди. Гоёт қисқа муддатда минглаб запас комплектлар тайёрлаб берилади. Машинасозлар ишларининг бир қисmini зарбдор вахта пайтида, ишдан бўш вақтларида бажаришга қарор қилдилар.

Корхонада навбатдан ташқари қилинадиган ишлар графиги тузиб чиқилди. Ҳамма зиммага олинган бу вазифани тез ва аъло сифатли бажаришга аҳд қилди.

«КОМПРЕССОР»

Ўн хил номдаги втулкалар тайёрлаш учун шошилиб буюртма қабул қилинди. Бундай деталлардан оз эмас — икки мингтагача тайёрланади. Уларнинг ҳаммаси майиюн ойларида ирригаторларга етказиб берилиши керак.

Коллектив масъулиятли буюртмани бажариш учун социалистик мусобақа давомида бунёд этилган тежам фондидан фойдаланади.

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Тракторсозлар сув кўтарувчи агрегат валлари, турли типлардаги подшипник втулкалари каби запас деталлар комплектларини мум-

Янгийўл районидagi «Ленинизм» колхозининг

Машраб Тўйчиев бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар. Ҳозир деҳқонлар экинларга иккинчи ишлов беришни бошлаб юбордилар. Механизаторлардан Оқилбек Бекназаров ва Тўлқин Комиловлар гўзани сифатли култивация қилиб, кунлик нормаларини ортири билан бажаришмоқда. Сувтарларда: (чапда) илгор механизатор О. Бекназаров; култивация пайти.

А. Абалян фотолари.



БУЮК ҒАЛАБА ШАРАФИГА

ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ИППОДРОМИДА ВАДИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ

9 май кунин Тошкентдаги республика ипподромини киримчи байроқлар, қўпдан қўп банди ва транспарантлар бе-зиди. Уруш йилларидаги қўшнлар, тантанали маршлар янграмоқда. Минглаб тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари Улут Батан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 41 йиллигига бағишланган бадий-спорт байрамини томоша қилиш учун бу ерга келишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросини аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон

ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари марказий минбога чиқадилар. Майдонда байроқдорлар саф тортдилар. Колонналар республика спорт жамоатларининг вакиллари, Ўзбекистоннинг энг яхши спортчилари, жаҳон, Европа, мамлакат чемпионатларининг соғирдорлари бор. Театрлаштирилган томоша уларнинг парали билан бошланади. Ранг-баранг либослардан қозилган йилги ва кизлар ипподромнинг нег майдонига югуриб чиқадилар. Улар «Ҳамиша бўлсин тинч-

лик» спорт-гимнастика композициясини кўрсатадилар. Тўхтовсиз, қатъий ишчиликда бир гурупа спортчилар ўрнига бошқа спортчилар чиқиб турибди. Мана, майдонда бир неча дақиқа бўшаб қолади: пархўлдан Қирил Байроқди Туркистон ҳарбий округи жангчилари чиқа бошлашини эълон қилади. Жангчилар кўргазмалар машқ жангини намойиш этадилар. Бир йўла отланган ўқлар сукуватни бузди: омонга қизил ракетадан учин кетди — «хужум»ни бошлашга сигнал берилди. Томошабинлар Батан химоячи-

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 8 май кунин бўлиб ўтган мажлисда маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тадбирларини муҳоама қилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул этилган қарориди КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот техника даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар комплексини амалга ошириш белгиланган. Маҳсулотни тайёрлашнинг ҳамма босқичларида унинг сифатини тубдан яхшилаш учун министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг жавобгарлигини кучайтириш қўзда тутилди. Янги техникани яратувчи ташкилотлар зиммасига юклатилган конкрет вазифалар доираси белгиланган. Янги яратиладиган машиналар, ускуналар, материаллар ва приборлар дунёда эришилган энг юқори даражага мувофиқ келадиган ёни ундан афзал бўладиган вазиятга эришиш мақсад қилиб қўйилди. Техника контроли хизмати роли оширилади ва унинг ваколатлари кенгайтирилади, корхоналарда СССР Стандартлар давлат комитетида бўйсунувчи идоралардан мустақил равишда давлат йўли билан маҳсулот қабул қилиб олиш хизмати барпо этилади.

Ишлаб чиқариладиган буюмларнинг сифатига таъсир қилувчи иқтисодий асослар ва омилларни қўлайтиришга қатъий эътибор берилади, тайёр маҳсулот истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети белгиланаётган тадбирларини амалга ошириш тўғрисида партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари зарурлигини таъкидладилар. Меҳнат коллективларида ҳалол, виждонан меҳ-

нат қилувчи киши — доний мадани, брак маҳсулот ишлаб чиқарувчи киши эса — қоралашни сезиб турадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш зарур. Маҳсулотнинг юксак сифати учун кураш оммавий иқтисодий ҳаракат тусини олиши, бу ишда ўн иккинчи беш йилликдаёқ ҳал қилувчи бурилишга эришиш лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси халқ хўжалиги тармоқларида автомат ротор ва ротор-конвейер линияларини жорий этишнинг жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларини кўриб чиқди. Базис министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари фан ва техника тараққийотининг меҳнат унумдорлигини бир неча баъарав оширишни ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашнинг таъминлайдиган мана шу муҳим йўналишга етарли баҳо бермаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан ротор ва ротор-конвейер линиялари ишлаб чиқаришни қўлайтиришнинг йўналишлари белгиланган. Барча етакчи машинасозлик министрликлари бундай линияларини яратишга жалб этилди. Ротор ва ротор-конвейер линиялари ишлаб чиқаришга илмий раҳбарлиқни ҳамда тегишли ишларни мувофиқлаштириш боришни кўлайтириш чоралари қўзда тутилди. Ана шу линияларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш бўйича мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, инженер кадрлар малакасини ошириш программаси белгиланди.

КПСС Ленинград область комитетининг област саноат корхоналарини техника билан қайта қўроллантиришнинг жадаллаштириш ҳақидаги тақдир муҳоама қилинди. Ленинград партия ташкилоти раҳбарлигида мажмуида ишлаб чиқариш потенциалидан анида тўлароқ фойдаланиш, омега коэфффициентини ошириш, ишлаб турган корхоналарда асосий технология машина-ускуналарини янгиланишнинг энг маъбул

муддатларига риоя этиш, янги қурилмаларни қайта қайта янгилаш ва реконструкциялашга ажратилган маблағ салмоғини қўлайтириш юзасидан қилинадиган ишларнинг муҳимлиги ва улар ўз вақтида амалга оширилетганлиги таъкидланди. Сиёсий бюро асосий технология ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга молик эканлигини ҳисобга олиб, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари Ленинград шаҳри ва Ленинград области корхоналарида ишлаб чиқарилиши техника даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш фондларини янгиланиш жадаллаштириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш учун ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағларнинг йўналишини аниқлаб чиқишни тақдир этди.

Сиёсий бюро ҳукумат комиссиясининг «Чернобыль АЭСида авария оқибатларини тугатиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақидаги ахборотини кўриб чиқди.

Авария оқибатларини бартараф этиш учун комиссия, маҳаллий партия ва совет органлари оператив равишда зарур чора-тадбирларни амалга ошираётганликлари таъкидланди. Совет ишчилари мураккаб вазиятда юксак онглилик, матонат ва мардлик кўрсатмоқдалар. Станция ходимлари, олимлар, инженер-техник ва медицина ходимлари, транспортчилар, ҳарбий хизматчилар, ўта-зилаётган тадбирларда қатнашадиган ҳамма кишилар фидокорлик билан аниқ ҳаракат қилмоқдалар. Эвакуация қилинган кишилар қисқа муддат ичида уй-жой, озиқ-овқат, медицина хизмати билан таъминланади. Қўшни районларнинг аҳолисини уларга сўқидилдан ғамхўрлик қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар

Совети ва ВЦСПС Чернобыль атом электр станцияси зонасидаги корхоналар ва ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг моддий таъминоти шарт-шароитлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда вақтинча эвакуация қилинган аҳолининг ишга жойлаштириш, улар қўрган зарарин тўлаш, авария оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишларда меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қўзда тутилган. Жумладан, АЭС зонасида меҳнат қилаётган корхоналар ва ташкилотлар коллективларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча фондлар ташкил этилди. Қўчирилатган граждандарга бир йўла тўланадиган нафақа учун, кийим-кечак, бошқа кундалик зарур буюмларнинг сотиб олиш учун, уларнинг озиқ-овқати ва йўл ҳақини тўлаш учун маблағ ажратилди. Авария ёни унинг оқибатларини тугатиш муносабати билан вужудга келган меҳнатга яроқсизлик учун нафақа меҳнат стаж ва иш жойидан қатъи назар, ўртача иш ҳақи миқдориди тўлашни белгиланган бўлди. Эҳтиёж сезувчанлиги санаторий-курортларда даволашни учун текин йўлланмалар билан таъминланадилар. Эвакуация қилинганларнинг, Чернобыль атом электр станцияси зонасидаги корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бошқа бир қанча тадбирлар ҳам қўзда тутилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисинида ҳужалик механизминини янада тақомиллаштириш ҳамда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш билан, шунингдек Коммунистик партия ва Совет давлатининг илчиллиги таъминлашга, барча давлатлар билан яхши қўшничилик, ўзаро маърифатли муносабатларни кенгайтиришга қаратилган ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа бир қанча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

хужжатлар билан қўролланган идеология активлари ҳозир бу хужжатлар замиридаги ғояларни омига етказиб бериш, энг муҳими, одамларнинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш воситаларини топиб, ҳар бир киши съезд қарорларини ўзининг жонанж қарорлари деб билишига, миллионларнинг иқидонини жадаллаштиришнинг стратегик вазифасини рўйбга чиқаришга сафарбар этишга эришилган лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ишнинг туб йўналишлари ҳам мамлакат коммунистлари аниқ-маннинг хужжатларида жуда аниқ равшан баён қилиб берилган.

Мамлакатини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жадаллаштириш йўли ҳар бир коммунистдан ўз ишини чуқур таҳлил этишни, меҳнат коллективлари олдига турган конкрет вазифаларни амалий ҳал эта олиш маҳоратини, интизом ва тартибни бутун чоралар билан мустаҳкамлашни, но-

вавторларча дадил ҳаракатлардан қўчмаслигини, қолонлиқ, қозғозонлиқ, бюрократизмга барҳам беришни талаб қилади.

Ҳамма жойда юксак талабчанлик ва принципиаллик, ўз-ўзини танқид ва иқидий изланиш муҳитини қарор топтириш лозим. Халқ хўжалиги механизминини қайта қуришни идеология жиҳатдан таъминлашнинг моҳияти, муваффақиятли равишда олға ҳаракат қилишнинг зарури гарови мана шундай.

Республика меҳнатчиларини илмий дунёқараш руҳида тарбиялашга бундан бўён ҳам алоҳида эътибор берилиши керак, деб уқтиришди нотиялар, чуқури марксизм-ленинизм таълимотини чуқур билиш асосиданга партия сиёсатини онгли равишда актив амалга ошириш мумкин. Шаҳар, район партия комитетларининг ходимлари бу вазифани ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсий ўқиш, партия (Давоми 2-бетда).



Тошкент — Хасково:

КАСАБА СОЮЗ АЛОҚАЛАРИ

Болгария Халқ Республикаси Хасково округи делегацияси кеча Тошкентга келди. Қардош мамлакат вакиллари делегациясига касабасоюзлари Хасково округ советининг секретари Мария Койнов бошчилик қилмоқда. Делегация составида Болгария Халқ Республикаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Димитровград химия комбинати аппаратчис Иванка Делева Динева бор.

Меҳмонларимизнинг ташриф буюришларидан маъ-

сад касабасоюз иши, меҳнат коллективларида социалистик мусобақани ташкил этиш таърибаси билан танишишди. Делегация аъзолари шаҳарлари, саноат корхоналари, хўжаликлари ва ташкилотларида бўлишди, тақдират сазовор жойларини бориб кўрадилар.


Кеча ҳасоволик меҳмонларини Тошкент область касабасоюзлари Совети раиси А. В. Бранлов қабул қилди.

Республика шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган мусобақалар шу ердан старт олди.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойида халқ сайллари ярим кечагача давом этди. Бу тантаналар улут партия ишчи меҳнаткашлар содиқлигини, улар совет халқи шонли анъаналарини қўлайтириш, Ватан қудратини мустаҳкамлаш иштиёқида. КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини шараф билан бажаришга тайёр эканликларининг ёркин намойишига айланган кетди.

Тошкент оқшони байрам мушакбозлигидан чарогон бўлди.

(ЎЗАТА).



9 Май кунин Тошкент отчопарида Буюк Галабанинг 41 йиллигига бағишланган бадний-спорт байрами бўлиб ўтди. Суратларда: бадний-спорт байрамидан лавҳалар. А. Абалин фотолари.



ВИРНИЧ ЛИГА команда-лари ўртасида ўзинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Маънуг турда Тошкентнинг «Пахтакор» командаси сафарда Ставрополнинг «Динамо» командаси билан куч синишти. Иккинчи ўйинда «Пахтакор» 1:0, «Динамо» 0:0. Қолган ўрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди:

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ди: «Кузбасс» — «Кубань» — 0:0. АСК (Х) — АСК (Р) — 1:1. «Искра» — «Фанел» — 0:1. «Шинник» — «Локомотив» — 1:0. «Котайк» — «Динамо» (В) — 0:1. «Гурия» — «Спартак» — 5:2. «Ротор» — АСК «Карпати» — 2:0. МАСК — «Нистру» — 4:0. «Ростсельмаш» — «Помир» — 4:2.

Навбатдаги тур 17 майда ўтказилди.

ИККИНЧИ ЛИГА командалари ўртасида бўлиб ўтган ўйиннинг тур ўрашуларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Автомобилист» — «Соҳибкор» — 3:1. «Хоразм» — «Зарафшон» — 0:2. «Целинник» — «Геолог» — 1:0. «Нефтьник» — «Хўнаид» — 4:0. «Сурхон» — «Косонсойчи» — 1:2. «Вахш» — «Пахтакор» — 1:3. «Олга» — «Ешлик» — 2:0. «Олой» — «Динамо» — 0:0. «Янгйег» — «Хива» — 0:1.

Физкультура коллежлари командалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги турларида Олмалиқдаги «Металлург» командаси кетма-кет икки муҳим галабани қўлга киритди. Металлургрлар аввалига ўз майдонларида Нукуснинг «Ветоншич» командасини 5:1 ҳисобида, сўнг Урганчининг «Автомобилист» командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ОБЛАСТЬ ЧЕМПИОНАТИ «А» ГРУППА

«Чимган» — «Кооператор» — 1:0. «Шахтёр» — «Водник» — 1:2. «Калинин» — «Умид» — 3:2. «Бука» — «Галаба» — 1:1.

«Б» ГРУППА

«Цементник» — «Кремль» — 2:1. «ЎзССР 50 йиллиги» колхоз — «Заря коммунизма» — 5:1. «Халқобод» — «Оққўрғон» — 1:1. «Охунбобоев» — «Охангарон» — 2:2. «Спартак» — «ЎзССР 5 йиллиги» совхоз — 5:2. «Экспериментальчик» — «Автомобилист» — 6:1.

«А» ГРУППАДА Беш турдан сўнг 10 очко тўплаган Нармановнинг «Водник» командаси янса пешқадамлик қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН XX СПАРТАКИАДАСИ



АКРОБАТИКА

Тошкентда кўнгилли спорт жамиятлари ва идоралар командаларининг акробатика бўйича мусобақалари нийҳосига етди. Унда 100 га яқин спортчи иштирок этди. Мусобақаларда 326 очко тўплаган «Меҳнат резервлари» командаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни 198 очко тўплаган «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти эгаллади. «Меҳнат» акробатлари эса 149 очко билан совринли учинчи ўринни қўлга киритишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АХОЛИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ЕЎЛЎЛТИ БАЗАСИ
НАҚД ПУЛГА
ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
СОТАДИ

темир бетон буюмлари ва конструкциялари: кўп қаватли ёпиш плиталари, кўчага тўшаладиган плиталар, йўлка тўшиқлари, керамзит-бетон блоклари, сугорич новлар, канализация новлар, кашак ўров панеллари, цокол блоклари, фундаменти блоклари, майдаланган шавал, тайёр бетон, ҳандақларга ётқизиш учун цемент қоринмаси, кўм, оҳак қоринмаси.

Бу материалларни қуйидаги адресда жойлашган 1-ёқилги оғборидан харид қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, 2-интерпроект проезд, 58-уй. Телефонлар: 91-39-85, 91-50-02.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

II курсга — 10-синфни битирганлардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги мутахассислар бўйича темир йўл транспорт техникумларини тайёрлайди: тепловоз ҳўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш ҳўжалиги, сими алоқа (темир йўл бўйича телеграф-телефон алоқа мутахассислиги: телеграф, телефон, радио (фақат 10-синфни битирганлар учун)).

темир йўл транспортда автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радиотрансмиттер (фақат 10-синфни битирганлар учун), темир йўл электровоз ҳўжалиги, темир йўл транспортининг энергия билан таъминлаш ва энергетика ҳўжалиги.

Архивлар 1 июндан 31 июлгача, 30 ёшгача бўлган ҳамма йигит-қизлардан қабул қилинади. (ўрта маълумотлардан 1 июндан 14 августгача).

Қабул имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Техникумда сиртқи бўлим ҳам бор.

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, Л-67, 2-Сарикулская кўчаси, 3-уй (66, 161-автомобилларнинг «Темир йўл техникуми» бекати). Телефонлар: 32-40-85, 32-43-25, 99-05-32.

СУРАТ СИФАТИГА КАФОЛАТ

«ЭЛИКОН-35» ФОТОАППАРАТИ БИРОРТА КАДРНИ БРАК ҚИЛМАЙ СИФАТЛИ СУРАТГА ОЛАДИ.

Замонавий электрон схемалардан иборат автоматика экспозиция параметрларини ўзи аниқлайди. Бунинг учун масофани белгилаб кнопокни босиб кифодир.

Агарда ёруғлиги етарли бўлмаса, фотоаппарат ичига ўрнатилган иҳчам импульсли фотосвешникни ишлатиш мумкин.

Неон лампочкаси ёниб, фотосвешник ёритишга тайёр эканлигидан дарак беради.

Ёруғлиги кенгайтирилган кенг бурчакли объектив 35 миллиметрли оқ-қора ва рангли пленкаларга сурат олиш имконини беради.

Фотоаппарат баҳоси — 90 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ САВДО-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗСТРОЙРЕКЛАМА» БУТУНИТТИҲОҚ БИРЛАШМИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Театр

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/У да Ўз арисизига кўра, 14/У да Ғариблар.

Тошкентдаги иккинчи комитети маданият бошқармаси ва област «Октябрь» кутубхонаси коллективлари кутубхонанинг кенса ходими Людмила Васильевна ЕГОРОВАнинг

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг онла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва «Муз устида цирк» коллективининг гастроллари (14, 15, 16/У да 14.30, 19.30 да).

ФАҒУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

УЙ-МУЗЕЙДА ШЕЪРХОНЛИК

Халқ учун хизмат қилган, Ватанини, юртини ардоқлаган, порлоқ келажак йўлига умрини бағишлаган инсонлар ҳамisha эъзозда. Атоқли совет шоири, Ленин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Фағур Ғулом ана шундай ҳўрматли сазовор бўлган улуг сиймолардан бири эди. У адабиётнинг барча жанрларида бирдек гўзал, ҳамма замонларга хизмат қила оладиган бадий полотнолар яратди. Шунинг учун ҳам унинг асарларига қаъқчилик ҳар бир даврда сезилиб туради.

Улуг Ватан урушида қозонилган буюк Галабанинг 41 йиллиги арафасида Фағур Ғулом уй-музейида шoir таваллудига бағишланб ўтказилган шеърхонликда ана шу фикрлар ана бир карра таъкидланди. Унда адабиётшунос олим Юсуф Сўлтонов, шоирлардан Маннoз Жаҳоров, Хусниддин Шарипов, Низомжон Парда, Мирпўлат Мирзаев, шоир адабий меросини ўрганиш комиссиясининг аъзоси, таржимон Ваҳоб Рўзиматов, уй-музей директори Олмас Аҳмедова ва бошқалар сўзга чиқиб, шоир ижодий меросининг ўрганилиши, унинг асарларини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида гапирдилар ҳамда Ғ. Ғуломга бағишланган шеърларидан ўқиб бердилар. Меҳмонлар уй-музей фаолияти билан танишдилар.

К. МАТЕКУБОВ.

ЭСТОНИЯ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Эстония санъати кўргазмаси очилди. Унда намоиш этилаётган 100 га яқин рангтасвир ва графика асарлари Тарту шаҳридаги Эстония ССР Давлат бадий музейи фондидан юборилган.

Заллардаги экспонатларнинг аксарият қисми ҳозирги пайтда ижод қилаётган истеъдодли эстон мўйқалам ижодкорларига мансуб бўлиб, уларнинг танлаган мавзулари ва ижодий маҳорати санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. АХМЕДОВ.

МАССИВДА САВДО ШОХОБЧАСИ

Нарманов шаҳридаги «Водник» массиви аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда 900 квадрат метр саҳнага эга бўлган янги универсал магазин қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ХАЛҚ ИЖОДИЕТИ И БУТУНИТТИҲОҚ ФЕСТИВАЛИ



Олмалиқдаги металлургрлар маданият саройида ташкил этилган ижодий коллективлар қисқа вақт ичида кўзга кўриниб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Маданият саройига ҳавас билан қадам қўйган ҳар бир кишидаги интилиш, завқ-шаъқи тезда илғаб олиб, унга йўл очиб, қобилиятини шакллантиришда бадий раҳбарлар ҳам, хореографлар ҳам астойдил ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг бу меҳнати айниқса репертуар планларини тузишда, концерт программаларини ҳозирлашда ақлоқ кўзга ташланмоқда. Масалан, Т. «Хўшахонов раҳбарлик қилаётган «Гўзал» вокал-чолгуй ансамблини олайлик. Унинг ҳар бир чиқишини томошбинлар қизиқиш билан кутадилар. Чунки ансамбль репертуарини концертдан-концертгача янгилаб бормоқда.

«Гўзал» бепоён диёримиз.

«ГЎЗАЛ» ОХАНГЛАРИ

Артур Цой, Валерий Количев сингари солистлари қисқа вақт ичида малака жиҳатдан анча ўсдилар. Улар ана шу постановкани тайёрлашдаги хизматлари учун област ва қатор шаҳарлар маданият бўлимлари томонидан фахрий ёрлиқлар, дипломлар билан тақдирландилар. Бу постановка Олмалиқ, Ангрн, Охангара, Тошкент шаҳарларида ҳам намоиш этилди.

Томошбинлар ана шу маданият муассасидаги «Ритм» эстрада рақс ансамблини

шу композицияни «Гўзал» ансамбли ва «Радуга» цирк халқ коллективи билан ҳамкорликда деимо муваффақиятли ижро этиб келмоқда. Ёлзавета Рамазанова раҳбарлик қилаётган бу ансамбль ўтган йили Тошкент Давлат цирки малакали артистлари олдига имтиҳондан ўтди. Ана шу ижодий ўрашув манеж усталари билан дўстлигини мустаҳкамлади ва ансамблининг кейинги қамолотига замин яратди. Шундан буён унинг репертуари янги ва мурак

ГАЗЕТХОН СИФАТ ХАҚИДА

ҲўРМАТЛИ редакция! Менинг ошқозон хасталигим борлиги сабабли шифокорлар минерал сувни мутасил истеъмол қилиб туришни буюришган. Кўриб турибсизки, уни донм ичишга мажбурман, ундан юз ўғриб кўл силтаб кетолмайман. Яхши бўпти, ичарининг, ким сизни «кўл силташга» мажбур қилипти, дерсиз балки. Ўғри, ҳеч ким мажбур қилмапти. Бирок...

Тошкент минерал сувлари солиб қопқон мустаҳкам беркитилган шишаларнинг ичида (албатта, сувнинг ичида) ўғричак, суварак каби жонсизлар ва бошқа жонсиз чинди чўмакларни кўрганимиз? Мен

ФЕЛЬЕТОНЧИ ЛУҚМАСИ

ЎТГАН йил охирида Тошкентда «Стройремонт» бошқармаси раҳбарлари кадр танлашда ўзларича янгилик яратиш мақсадида тажриба ўтказиб қўришди. Тажриба ўтказиш қилиб ҳўжалик ҳисобиди ишловчи қурилиш бошқармасининг Коммунистик районидидаги участкаси белгиланди. Энди шу участкага муносиб бошлиқ тайинлаш керак.

— Кимни бошлиқ қиламиз? — раҳбар ҳаммага савол назари билан қаради. — Тажриба муваффақиятли чиқиши учун номзод ҳам қўйин кўрган, яъни «тажриба» бўлиши керак-да. Хўш, бундай кадрни қаердан топилик?

Бу жумбоққа жавоб ахт

МИНЕРАЛ СУВДАГИ СУВАРАКЛАР

Кўрганимиз. Афсуски, биринчи марта эмас, агар шундай бўлса сизларга ёниб овора бўлиб ўтирмасдик. Мен минерал сувни асосан Бешёғочдаги гастрономдан харид қиламан. Ҳаша, роллар «кириб олган» шишаларини бир неча марта гастроном сотувчилари ва раҳбарларига айтдим. Улар, айб бизда эмас, деб елка қисшдан нарига ўттирмади. Шундан сўнг сизларга мурожаат қилдиман.

РЕДАКЦИЯ СПРАВКА. СИ: газетхон «тириқ тувоқ» сифатида хат билан бирга икки шиша суваракли минерал сувини ҳам юборган.

У Ч А Р

риб, бири ундай деди. Бошқаси бундай деди. Хўллас, кўпчилигининг фикри бир жойдан чиқиб, участкага илгари бир эмас, икки марта жиноят кўчасига кириб чиққан, ўғирлик ҳамда беэорик билан ином қозониб, узок мулдат «мусофирлик»да бўлиб келган К. Мавлонов деган учар бошлиқ этиб тайинланди.

Одатда ҳар қандай участкада олиб борилган илмий ёки амалий тажриба бир йил деганда, узоғи билан икки йил деганда ўз натижасини кўрсатарди. Бунақа «тажриба»ларни ўтказавериб, кўзи яшилган кетган Мавлонов ўз фаолияти маҳсулини олти ой деганда кўзқўз қилиб кўрсатди. У мансбидан фойдаланиб, қури

А. ШАЙХОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325776; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги наҳ батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64684.